

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тарихида унутилмас, улкан воқеалар кўп бўлган. Кунги кеча Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Президентимиз Ислон Каримов ва Си Цзиньпиннинг палатамизга ташрифи ана шундай унутилмас тарихий воқеа бўлди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси парламентда қилган нутқида Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларга жуда юксак баҳо берар экан, “Ўзбекистоннинг бой тарихи ҳамда маданиятига хурматим баланд. Президент Ислон Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва изчил иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ортмоқда”, деди. Юксак мартабали меҳмоннинг бу эътирофини фахр билан эшитдик. Бинобарин, дунёдаги иқтисодий салоҳияти юқори давлат бугун Ўзбекистонга ана шундай улкан баҳони бермоқда.

Ушбу учрашувда Президентимизнинг сўзлари бизда, айниқса, алоҳида таассурот қолдирди. Зеро, Юртбошимизнинг ҳар бир нутқлари юрагимизни тўлқинлантириб юборади, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ундайди, барчамизга янгича руҳ ва катта куч бағишлайди.

Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбари парламент фаолиятига жуда катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Кейинги бир ярим йил ичида тўрт марта биз, депутатлар билан учрашдилар.

Юртбошимиз ҳар бир учрашувда ҳаммамизнинг олдимизда ўта муҳим ҳамда долзарб масалалар турганлигини, халқ вакиллари одамларнинг ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишлари лозимлигини қайта-қайта уқтирадилар. Кеча айтилган “Халқнинг сиздан умиди катта, сизга овоз берган халқ сиздан амалий ишларни кутади”, деган сўзлари ҳам биз, депутатларни янада хушёр торттирди, шу муқаддас юрт, шу азиз Ватанни обод этиш учун чексиз фидойилик билан ишлашга ундади.

Ҳақиқатан ҳам, сайловчиларга берган ваъдаларимизни бажариш биздан улкан масъулиятни, билим ва қатъиятни, бевовта юракни, сўз ҳамда иш бирлигини талаб қилади. Бу соҳада ҳам Президентимиздан ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар кўп.

Зеро, мустақилликнинг биринчи кунда “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”, дейилганда, кимдир ишониб, кимдир ишонмаган эди. Чунки у маҳаллар мамлакат оғир аҳволда, бир неча кунга етадиган ғалла захираси қолганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу сўзларни айтиш учун Ўзбекистон келажагини кўра билиш керак эди. Тўғри йўл танлай олиш лозим эди. Энг муҳими, халқни бунёдкорлик ишларига бошлай олиш талаб этиларди.

Биз бугун бутун дунёга қайта-қайта ибрат қилиб кўрсатилаётган буюк Ўзбекистонга айландик. Эришган муваффақиятларимиз жаҳон аҳлининг ҳавасини тортаяпти, улар бизга ҳайрат билан боқмоқда. Давлатимиз раҳбари йиғилишда ёдга олдилар: кеча биз Хитой қўлга киритган ютуқларга ҳавас қилган эдик. Чунки кеча Хитойда ўсиш суръатлари 10 — 12 фоиз бўлиб, бизни бу рақам ҳайратга солганди.

Бугун биз ҳам бу борадаги марраларимиз билан ғурурлана оламиз. Яъни охирги 11 йил мобайнида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ортиқ бўлиб келаяпти. Мамлакатимиз иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқда. Ҳозирги кунда давлатимиз дунёдаги иқтисоди тез ривожланган бешта мамлакатнинг бири саналиши ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда олдимизда ривожланган давлатлар орасидан муносиб ўрин эгаллашдек ўта муҳим ва долзарб масалалар турибди. Ана шу вазифаларни адо этишда куюнчаклик ҳамда фидойилик билан меҳнат қиламиз. Зеро, Юртбошимизнинг Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги “Ўзбекистоннинг эртанги кунига куюнадиган, керак бўлса, одамларга, халқимиз, Ўзбекистонимиз учун жонини берадиган одам депутат бўлиши лозим”, деган сўзлари юрагимизда. Депутатларимиз қонунчиликда белгиланган барча ваколатдан, айниқса, парламент назорати, шу жумладан, парламент эшитувлари, депутат сўрови институтларидан кенг ва самарали фойдаланиш борасидаги фаолиятларини янада кучайтирадилар.

Мазкур тарихий воқеанинг иштирокчиси сифатида айта оламанки, ХХР Раисининг Олий Мажлисидаги маърузаси Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳар иккала давлатнинг беқиёс тараққиётига хисса қўшиши баробарида, дўстлик ришталарининг абадийлигига ҳам ишончимизни мустаҳкамлади.

Комила КАРОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

(Халқ сўзи, 25 июнь 2016 йил)